



Бу сонга:

2 ЕТТИ ИҚЛИМДАН ДАРАКЛАР

Хусусий банклар: КИМГА ФОЙДА, КИМГА ЗАРАР?

4 27 йиллик ФИЛИАЛ: БИРИНЧИ ҚАДАМ, БИРИНЧИ ТАРМОҚ

5 БУХОРО ФИЛИАЛНИНГ ИЛК БОШҚАРУВЧИСИ

6 ПОРАНИ “ҲАДЯ” БИЛАН АДАШТИРМАНГ

7 ЯХШИЛАР КЎП ДУНЁДА...



Рустамжон ЭШОНОВ олган сурат.

МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАР — МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Камбағалликдан чиқиб кетиш учун энг муҳим омил – бу инсоннинг интилиши, ўз кучига таянган ҳолда, аниқ мақсад сари ҳаракати бўлиши керак.

Ш. МИРЗИЁЕВ

Камбағалликка қарши кураш ва аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш долзарб вазифага айланди. Бугунги ислохотлар замирида ҳам ана шу мақсад мужассам. Хусусан, республикамизда эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича “Темир дафтар” тизими жорий этилди. Қисқа муддатда бу тизим орқали 527 минг фуқаронинг бандлиги таъминланди, комплекс ёндашув ва ностандарт усулларни жорий этиш ҳаётий заруратга айланди.

Жорий йилда “Темир дафтар”га киритилган фуқароларни камбағалликдан чиқариш бўйича “мотивация, кўникма ва молиявий кўмак” тамойили асосида янги механизм жорий этилди. Камбағалликдан чиқиб кетиш учун энг муҳим омил – бу инсоннинг интилиши, ўз кучига таянган ҳолда, аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши.

БОЙ БЎЛИШ АСОСАН ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Маҳаллаларда аҳолини касб-хунарга ўқитиш бўйича мингдан зиёд марказлар ташкил этилиши кўзда тутилган ва илк босқичлари бошланди. Бунда касб-хунарга ўқитилган ҳар бир шахс учун ўқув марказларига 1 миллион сўмгача субсидия ажратилиб, бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилиши кўзда тутилган. Курсларни тамомлаб, ўз бизнесини бошламоқчи бўлганларга асбоб-ускуна харид қилиш учун 7 миллион сўмгача субсидиялар

ажратилади. Камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил-қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин ошириш ҳисобланади.

Ўз-ўзини банд қилган (дарвоқе, бу ҳам камбағалликни қисқартиришда яхши дастак бўлиши мумкин) аҳоли учун солиқ имтиёзлари берилиши ҳамда бир қанча чекловлар-

нинг бекор қилиниши туфайли 500 минг нафар фуқаро меҳнат фаолияти қонуний тарзда йўлга қўйилди. Албатта иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишдан иборат экан, ушбу стратегик мақсадларга ҳамма учун тенг имконият яратадиган юқори иқтисодий ўсиш ҳисобига эришилади.

(Давоми 2-бетда).

БУГУННИНГ НАФАСИ



Президент Шавкат Мирзиёев БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича 46-сессиясида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Жиззахда учта компания — “ADM Jizzakh”, “Auto Motors Asia” ҳамда Жиззах автомобиль заводи автомобил ишлаб чиқаради.

Таниқли бизнесмен Алишер Усмонов ўз ҳисобидан Ўзбекистонга 500 мингта вакцина олиб беради.

Ўзбекистон очиқ маълумотлар манбалари сони бўйича жаҳонда 6-ўринда қайд этилди.

“Uzbekistan Airways” 1 мартдан онлайн рўйхатдан ўтишни жорий қилади.

“Uzbekistan Airways” март ойидан бошлаб Ҳиндистонга мунтазам авиақатновларни амалга оширади

Нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчи Тошкент амалий фанлар университетининг ташкил этилиши кўзда тутиляпти.

Мамлакатимизда ноқонуний бойиганлик учун жиноий жавобгарлик жорий этилади.

2021 йилда Ўзбекистонда 11 та янги ГЭС курилади.

“Заковат” интеллектуал телевизион клубига аъзолик учун 13 мингдан ортиқ киши ариза берди.

Тегишли ҳужжатларга асосан, 1 минг 887 та ҳукумат қарорининг аксарияти тўлиғича, баъзилари қисман ўз кучини йўқотди.

Сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича қўшма альянс ташкил қилиниб, 200 миллиард сўм маблағ ажратилади.



Мисрнинг Кальюбия провинциясининг губернатори Кафр-Шукр шаҳри ободончилик департаменти директорини бир нечта кўчага турмуш ўртоғи ва қариндошларининг номини берганидан кейин вазифасидан озод қилди.

Кўчаларни яқинлари шарафига номлагани учун

“Иш тергов учун маъмурий про-
кура турага оширилди. Агар фактлар
тасдиқланса, қонуний чора кўрилади”,
— деди губернатор.

Унинг сўзларига кўра,
мансабдор аёлнинг
ҳаракатлари қонунни кўпол равишда
бузиш ҳисобланади, чунки кўчалар-



га ном бериш ҳақидаги
қарор маҳаллий халқ
кенгаши ёки мах-
сус қўмита томонидан
қабул қилинади. Охир-
ги вақтларда Миср кўча-
лари жамоат арбоблари
ёки терроризмга қарши
курашда ҳалок бўлган
ҳарбийлар ва полиция
ҳодимлари шарафига номланмоқда.

Венесуэла Президенти Николас Мадуро
бир куни шаҳар автобус ҳайдовчиси касбига
қайтиш умиди борлигини айтди.

ПРЕЗИДЕНТ АВТОБУС ҲАЙДОВЧИЛИГИГА ҚАЙТМОҚЧИ



“Умид қиламанки, бир куни Президентлик
лавозимидан кетганимда, мен ушбу соҳага
бошимни тик тутганча, формам билан қайтиб
бораман, автобус миниб кўчага чиқаман ва
Венесуэла халқига оддий ишчи сифатида хизмат
қиламан”, — деди Президент транспорт соҳаси
ишчилари билан учрашувда.

Николас Мадуро 2013 йил апрель ойидан
бери Президент лавозимида ишлаб келмоқда.
2019 йилда унга қарши катта норозилик намо-
йишлари бошланди. Қўшма Штатлар бошчили-
гидаги бир қатор ғарб давлатлари Венесуэла
парламенти спикери Хуан Гуайдони Президент
сифатида тан олишини эълон қилган.

Ўғли учун узр сўради

Япония Бош вазири Ёсихидэ Суга мамлакат Ички ишлар ва коммуни-
кациялар вазирлиги вакиллари билан бўлган кечки овқатда ўғлининг
қатнашгани учун кечирим сўради.

Тахминларга кўра, унинг ўғли
амалдорларнинг овқатланиши учун
ҳисобни ўзи тўлаган ва ўзи ишлайди-
ган “Tohokushinsha Film” телекомпания-
си билан боғлиқ масалаларни муҳокама
қилган.

Хабарларга қараганда, кичик Суга
2016 йилдан бери камида 12 мартаба
мансабдорлар билан овқатланиб, уларга
совғалар улашган. Амалдаги қонунга кўра,
давлат хизматчилари манфаатли шахслар-
дан ҳар қандай совға олиши тақиқланади.



“ПЕРСЕВЕРАНС” РОБОТИ МАРСГА ҚўНДИ

Американинг НАСА космик агент-
лиги Марсга “Персеверанс” роверини
қўндирди.


Марсюрарнинг
қизил сайёрада-
ги асосий вазифа-
си тирик ҳаёт изини
қидиришдан иборат.
Олимлар бу сайёра-
да сув мавжуд бўлган
даврлар 3-4 милли-
ард йиллар аввалги вақтга тўғри келади, деб
ишонишмоқда.



“Персеверанс” сўнгги бир ой ичида Марс-
га қўнган учинчи космик аппарат бўлди.
Аввалроқ унинг орбитасига БАА ва Хитой-
нинг роботлари ҳам киришганди. Барча
уч миссия Ерни 2020 йилнинг июлида тарк
этишган.

БМТ БААдан Дубай ҳукмдори Шайх Муҳаммад
бин Рошид Ол Мактумнинг қизи, қариндошлари
томонидан тутқунликда ушлаб турилганини айт-
ган малика Латифа тирикчилигининг исботини кел-
тиришни талаб қилди. Дубай ҳукмдори оиласи-
нинг баёнотида кўра, малика уйида даволанмоқда.

МАЛИКАНИНГ ТИРИКЛИГИ ИСБОТЛАНИШИ КЕРАК



БААнинг Лондондаги элчихонасида ҳам малика
ўз уйида парваришланаётгани, уни оиласи ва тиббий
ҳодимлар қўллаб-қувватлаётгани тасдиқланган.

Аввалроқ британ нашрларидан бири малика 2018
йилда қочиб кетишга уринишидан кейин ўз яқинлари
томонидан тутқунликда ушлаб турилгани айтилган
видеоёзувни эълон қилганди.

Тожикистонда Помирнинг ғарбидаги Фанлар академияси тизмасида
жойлашган иккита чўққи қайта номланди.

ПОМИРДАГИ ИККИ Чўққи қайта НОМЛАНДИ

Жумладан, Корженевская чўққиси
“Озоди”га, “Озоди” эса “Сангталак”га
ўзгартирилди.

Тожикистоннинг тил ва атама-
шунослик қўмитасининг маълум
қилишича, 2020 йилда қўмита аҳоли
пунктларининг 844 та ностандарт
номланишини кўриб чиқиб, улар-



ни қайта номлаш бўйича лойиҳалар
тайёрлаган.

“Озоди” чўққиси (эндиликда Санг-
талак) эса Тожикистон Президенти
Имомали Раҳмон ташаббуси билан
2009 йилда шундай ном олганди. Бун-
гача эса 6 минг 230 метр баландликка
эга чўққи номсиз бўлган.

Хитойнинг “CK Asset Holdings” компанияси Ҳонгконгда Осиёдаги
энг қиммат хонадонни сотди. Хонадон янги эгасининг номи маълум
қилинмаяпти. Харидор майдони 314 квадрат метрли яшаш жойи
учун 59 миллион доллар тўлаган. Беш хонадан иборат уй Мид-
левелс районида жойлашган.

ОСИЁДАГИ ЭНГ ҚИММАТ ХОНАДОН СОТИЛДИ

Экспертларнинг фикрича, бу
ҳашаматли кўчмас мулклар бозори
тикланаётганидан дарак беради.
Бунга қадар тўрт йил аввал сотил-
ган “Mount Nicholson” мажмуа-




сидаги апартамент Осиёдаги энг
қиммат хонадон деб эътироф этил-
ганди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ва бу борада комплекс ёндашув
ва ностандарт усулларни жорий этиш
лозим.

Давлатимиз раҳбари ташаб-
буси билан Иқтисодиёт ва саноат
вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва
камбағалликни қисқартириш вазир-
лигига айлантирилди. Бу трансфор-
мация бежиз амалга оширилмади.
Макроиқтисодий сиёсатни ишлаб
чиқиш, мувофиқлаштириш ва амалга
ошириш, қашшоқликни камайтириш,
тадбиркорликни ривожлантириш,
давлат иштирокидаги корхоналар-
ни ўзгартириш ва жаҳон ҳамжамияти
билан иқтисодий алоқаларни
чуқурлаштириш каби вазифалар янги
вазирлик зиммасига юклатилди.

Аҳолининг айнан шу қатламига
(ижтимоий ҳимояга муҳтож)
“тайёр балиқ”ни ўзини эмас, бал-



Бўлиш асосан ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

ки, “қармоқ”ни бериш даркор.
Уларнинг турмуш фаровонлиги-
ни янада ошириш ва камбағалликни
қисқартириш ишларининг бошлани-

шида маҳаллабай юриб, хонадонлар-
да фойдаланилмаётган томорқаларда
турли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари
етиштириш орқали ҳар бир оила ўз

рўзгорини тебратиб, ортган қисмини
ички бозорга етказиб бериши ҳам
анча самара беради. Чорвачилик,
боғдорчилик, касаначилик ва мил-
лий ҳунармандчилик соҳаларида ўз-
ўзини банд қилганлар учун турли
субсидиялар бериш орқали фаоли-
ятини ривожлантириш мумкин. Ўша
маҳаллада яна қўшимча иш ўринла-
рини яратишга туртки бўлар, бекор-
чи кимсаларнинг бандлиги таъмин-
ланар. Бир ҳақиқатни аниқ тушуниб
етишимиз керак — камбағаллик кре-
дит, ижтимоий нафақа ёки уй бериш
ёхуд эҳтиёжларни қондириш биланги-
на ҳал бўлиб қолмайди. Зеро ҳар бир
инсонда меҳнатга бўлган иштиёқ тўқ
яшаш имконини бериши, шубҳасиз.

Нурилло ХАЛИЛОВ,
Андижон машинасозлик
институтини доценти.

**ҚАЙСИ БАНКЛАР
ХУСУСИЙЛАШТИРИЛАДИ?**

Бугунги кунда давлат иштирокидаги банкларнинг мижозга йўналтирилганлик даражаси оширилмоқда. Ушбу вазифалар орасида давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш ва тизимда давлат улушини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, улар давлат иштироки сақлаб қолинадиган ҳамда хусусийлаштирилдиган банкларга ажратилди.

Банкларни хусусийлаштириш жараёни босқичма-босқич, яъни биринчи босқичда давлат улуши мавжуд бўлган банклар фаолиятини трансформация қилиш, иккинчи босқичда эса давлат акцияларини нуфузли хорижий инвесторларга сотиш орқали амалга оширилади. Бу жараёнда ҳосил бўладиган иқтисодий бўшлиқларни тўлдириш, яъни барча аҳоли қатламларининг молиявий хизматларга бўлган талабини қондириш, банк хизматларининг ҳудудий қамровини таъминлаш мақсадида давлат иштироки учта банкда — Миллий банк, "Агробанк" ва "Микрокредитбанк"да сақлаб қолинади. "Ўзсаноатқурилишбанк", "Асака банк", "Ипотека-банк", "Алоқабанк", "Туронбанк" ҳамда "Қишлоққурилишбанк" хусусийлаштиришга тайёрланмоқда. Шунингдек, камида битта йирик банкдаги давлат улуши стратегик инвесторларга тўлиқ сотилиши кўзда тутилган.

**ДАВЛАТНИНГ АРАЛАШУВИГА
ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ**

Бу орқали банк секторига давлатнинг юқори даражадаги аралашуви сезиларли равишда чек қўйилади. Бугунги вазият эса молиявий хизматларнинг оммабоплигини ошириш, банкларнинг ҳудудларга кириб боришини кенгайтириш ва барча аҳоли пунктларида бир хил турдаги хизматлар кўрсатишни талаб қилмоқда.

— Тўғри, республикамизда хусусий банклар шу кунгача ҳам бўлган, — дейди **Марказий банк департамент директори Акмал**

Назаров. — Бироқ уларнинг банк хизматлари бозоридаги улуши бор-йўғи 15 фоизни ташкил этади. Тизимда давлат улушининг юқори миқдорда сақлаб қолиниши умумий ривожланиш ҳамда молиявий воситачи сифатида самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

"Ҳамкорбанк" акциядорлик тижорат банки бундан 30 йил аввал Андижонда "Андижонбанк" номи билан атиги 4 киши билан ўз фаолиятини бошлаган эди. Қўшни вилоятларда ҳам ўз филиалларини ташкил этиши ҳисобига 2000 йилдан бошлаб "Ҳамкорбанк" АТБга айлантирилган. 1992 йил Россия банклар ассоциациясига аъзо бўлган. Ҳозирда 50 дан ортиқ турдаги хизматлар мавжуд. 2 миллиондан ортиқ жисмоний ва 40 мингдан ортиқ юридик мижозларига эга.

ҳам манфаат кўради. Бу дунё тажрибасида синалган усул.

— Банклар нега тўлиқ сотилди, дейдиган бўлсак, банк тизимида янги қарашлар, билим ва кўникмалар олиб келадиган инвестор керак, — дейди А.Назаров. — Тўғриси, ҳозирга қадар бу борада

лашиши кутилмоқда. Шунингдек, банкларнинг инвестициявий жозибадорлиги, хизматларнинг оммабоплиги ва сифати ортади. Ҳудудларга кириб бориши кенгайиб, барча аҳоли пунктларида турли молиявий хизматлар кўрсатилиши таъминланади. Бир сўз билан айтганда, энди банклар мижоз учун курашади.

Бунда биринчи галда ихчам банк хизматлари ташкил этилиши керак. Бу — асосий қисми хизмат ходимларидан иборат бўлган банк. Айни пайтда ҳудудларда 702 та худди шундай хизмат офислари ташкил этилган. Янги замонавий хизмат турлари яратилапти. Мисол учун, мобиль илова орқали кредит олиш мумкин. Бу мижозга сифатли хизмат кўрсатиш билан бирга, вақтни ҳам тежайди. Мижоз овора бўлиб, банкка келиб-кейтиб юрмасдан, илова орқали кредит олиши ва тўлов қилиши мумкин. Бундай хизмат турларини кенгайтириш борасида турли лойиҳалар тайёрланган.

Қолаверса, хусусий банкларда, биринчи галда, рақобат бўлади. Мижоз, албатта, тартибли ва ишончли хизмат турини, демакки, шундай банкни танлайди. Бунда ўз-ўзидан банклар фаолиятини баҳолаш мумкин. Оддий аҳоли учун фоизи кам ва узоқ муддатли кредит турлари ёки қарз бериш схемалари ишлаб чиқилади. Бир сўз билан айтганда, бу тизим энди йўлга қўйилмапти, янгича усул қандай самара беришини эса вақт кўрсатади. Халқимиз доимо ўзи учун энг қулай воситачини танлашга ҳаракат қилиши тайин.

Нилуфар ЮНУСОВА

ХУСУСИЙ БАНКЛАР:

кимга фойда, кимга зарар?

Давлат иштирокидаги банкларнинг халқаро молия институтлари кўмагида трансформация қилиниши ва хорижий стратегик инвесторларга сотилиши корпоратив бошқарув ва риск-менеджмент тизимини такомиллаштиради. Пировардида, халқаро тажрибага эга иштирокчилар билан бир қаторда, банк тизимида янги технологик ечимлар кириб келади. Уларнинг бизнес-моделлари ўзгариб, мижозларга йўналтирилганлик даражаси ортади.

**КРЕДИТЛАР ФОИЗИ ҲАМ
ТУРЛИЧА БЎЛАДИМИ?**

Хусусий банклар сонининг кўпайиши тизимда рақобат муҳитини кучайтиради. Кучли рақобат мавжуд бўлган бозорда хизматларнинг сифати яхшиланади, нархлар арзонлашади. Маҳсулот ва хизматларнинг янги турлари пайдо бўлиб, масофавий банк хизматлари кўлами кенгайиб боради. Бундан ўз навбатида, тадбиркорлар ва оддий аҳоли



кўп ҳаракатлар бўлди. 10-20 фоизини сотишга уринишлар яхши самара бермади. Мантиқан ўйлаб кўрилса ҳам, инвестор мулкнинг 20 фоизини олсаю, қолгани бошқа одамнинг қўлида бўлса, хорижлик инвесторнинг ишончи бўлмади. Шу боис банкни тўлиқ сотиш керак. Бунда аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифати янада қулайлашиб, арзон-

нинг хоҳиши ва раҳбариятнинг ташаббуси билан "Team building" машғулотини ўтказилди.

Унда ходимларнинг алоҳида истеъдоди, тафаккури, билими, тажрибасига ҳамда фаоллигига қаратилган ижодий тренинг машғулот ташкиллаштирилди. Кўзланган мақсад — жамоанинг ишга бўлган хайрихоҳлиги ва меҳнат самарадорлигини янада ошириш бўлди.

Тадбирнинг кириш қисмида иштирокчиларнинг машғулотдан кутаётган натижалари алоҳида эътиборга олинди.

Машғулотлар қатнашчиларнинг ёшига қараб гуруҳланган ҳолда уч босқичда амалга оширилди. Уни янада сифатли ва кўтаринки руҳда ташкил эти-

Жамоани шакллантириш ва иш фаолиятини яхшилаш учун амалга ошириладиган кенг кўламли тадбирлар. Жамоа билан ишлаш усуллари ғояси аслида спорт олампидан олинган бўлиб, бошқарув амалиётига хх асрнинг 60-70 йилларидан фаол равишда тадбиқ этила бошланди.

бўлиб ҳаракатлантирувчи занжир ҳамда тўп отиш ўйинлари ўтказилди. Бундан ташқари, асабларни тинчлантирувчи мусиқали монолог ҳам эшиттирилди.

Яқунда қатнашувчиларнинг фикр-мулоҳазалари ёзилган турли рангдаги стикерлар машғулот ойнасига ёпиштирилди. Жамоа аъзолари дам олиш кунги вақтини мароқли ўтказганлигини мамнуният билан таъкидлаб ўтдилар.

Ақлий меҳнатдан ҳафта якунига бориб толиқиб қолувчи банк ходимларига бу тадбир жуда маъқул келди. Улардаги кайфиятдан билиш мумкинки, "Team building"ни мазкур тизимда жорий этиш ва қўллаш жамоадаги самарадорликка ҳисса қўшиши мумкин.

**Камолдин ИСАКОВ,
Истиқбол филиали бошқарувчи
ўринбосари**

ЯНГИ ЛОЙИҲА ИСТИҚБОЛДА "TEAM BUILDING"



тиби белгиланди. Яъни банк тизимида "Team building"нинг офисдан ташқарида, очиқ ҳавода ўтказишга мўлжалланган, кўпроқ спорт ўйинлари кўринишидаги кичик жамоалар ўртасидаги беллашувларни киритиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди. Шундан келиб чиқиб Истиқбол филиалида жамоа-

лиши учун малакали тренер-мутахассис Дилшодбек Мусаев жалб этилди.

Биринчи босқич турли хил мураккаб қўл ҳаракатлари воситасида мияни тўлиқроқ ишлашнинг таъминловчи машқларни бажариш билан бошланди. Кейинги босқичда иштирокчиларни жамоа



Бу воқеа 1994 йил 1 ноябрда рўй берган. Шу кун “Hamkorbank” АТБ Шаҳрихонда ўзининг биринчи тармоғини ишга туширди. Тўнғич филиал учун айнан шу ҳудуд танлаб олинганининг ҳам ўзига хос сабаби бор. Туманда аҳоли зич, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик ривожланган эди.

БУГУН...

Орадан 27 йил ўтди. Ўз йўлидан оғишмай қадам олға қадам ташлаган филиал ҳақида бугун мана шундай таъриф бериш мумкин: тажриба мактаби, йирик даромад келтирувчи ва тўғри йўлдаги.

Келинг, энди бу таърифларни озроқ изоҳлаб ўтсак. Ўтган йиллар давомида бу муассасада банк иши билан боғлиқ катта тажриба мактаби шаклланди. Филиалдан етишиб чиққан 20 дан ортиқ ходим ҳозирда бош банкда масъул лавозимларда, филиалларда бошқарувчи сифатида фаолият юритмоқда.

Банк 3-гуруҳ филиаллари қаторида турса ҳам, берадиган фойдаси оз эмас. 2020 йилни 12 миллиард сўмдан зиёд соф фойда билан



яқунлади. Бу йил ҳам зиммасига катта режа кўрсаткичи қўйилган.

Ютуқлар ўз-ўзидан бўлмади. Танланган тўғри йўл ҳар қандай мақсадга элтувчи маъқдир. Илк фаолиятдан оқ қадамнинг тўғри қўйилгани, ходимларнинг салоҳиятига қараб ўринли жойлаштирилганлиги, олинган фойданинг сифатли бошқариб келингани, ва криминал ҳолатларга йўл қўйилмагани — буларнинг барчаси филиал муваффақиятининг гаровидир.

ҲАМИША ЮҚОРИДА

Банк ишида рақамлар, кўрсаткичлар ўзгарувчан бўлади. Бу ҳақиқатни чуқур англаб етган тажрибали ва салоҳиятли филиал жамоаси 27 йилдан буён фақат олдинга қараб қадам ташлайди. Ортга чекиниш уларга бегона туйғу. Шу боис ҳам вилоят марказида жойлашган айрим филиаллардан яхшироқ даромад беради. Ўз гуруҳида эса етакчи.

51 нафар ходимдан иборат жамоанинг ярми узоқ йиллик

27 ЙИЛЛИК ФИЛИАЛ: БИРИНЧИ ҚАДАМ, БИРИНЧИ ТАРМОҚ

**Мазкур мақола филиал бошқарувчиси
Зиёдулло УСМОНОВ билан бўлиб ўтган суҳбат асосидаги
фикрлар, хулосалар асосида дунёга келди.**

тажрибага эга, қолганлари ёш мутахассислар. Филиалда ҳалоллик деган тамойил ҳамма нарсадан устивор. Балки, шу сабаб ходимлари ҳамиша харидоргир бўлса керак. Шу кунларда корпоратив хизматлар бўлими бошлиғи Абдуғулом Валиев ҳам бош банкка ўтиш арафасида. Тизимга малакали мутахассисларни етказиб бераётгани учун Шаҳрихонликларга яна бир бор ташаккур айтсак арзийди.

ФИЛИАЛНИНГ ЮРАГИ


Шаҳрихон филиалида Сотволди Самиевдан кейин унинг йўлини давом эттирган инсон бу унинг шогирди Зиёдулло Усмонов. Зиёдулла ака 1995 йил олий ўқув юртини тамомлаб, турибоқ шу муассасага ишга келган. Филиалдаги бошқарувчилик фаолиятини 2003 йилда бошлаб, шу кунгача бошқа филиалларда ҳамда бош банкда раҳбарлик лавозимларида фаолият юритди. Ҳозирда ушбу муассасани ундан яхшироқ биладиган ва унданда яхшироқ кўрадиган инсон топилмаса керак.

“26 йилдан буён “Hamkorbank” тизимидаман. Бир жойда униб-ўсишнинг хоҳладим ва ниятимга етдим, деб ўйлайман. Эрта бир кун нафақага ҳам шу жамоанинг ҳурмати-эҳтироми билан чиқсам, дейман. Мақсадим — ишни шу банкда бошладим, шу ерда яқунлаш ва филиалимизнинг келажagini янада порлоқ ҳолда кўриш”. Жамоа раҳбарининг шахсига ва қилаётган ишларига ортиқча таърифнинг ҳождати йўқ. Бугун бу инсонни Шаҳрихон филиали билан айро ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди.

МИЖОЗ БОР, БАНК БОР

Масалан, 2004 йилда филиал ҳисоботида 2 миллион сўм соф фойда олиш режаси қўйилган эди. Қарангки, бугун эса бу кўрсаткич миллиардларда ифодаланади.

Жорий йилги кредит портфелига назар ташлайдиган бўлсак, 1 февраль ҳолатига кўра, уларнинг сони 6,5 мингдан ортган. Жами миқдори эса 230 миллиард 726 миллион сўм. Юридик ва яқка тартибдаги тадбиркор мижозлар сони 4076 тадан иборат. 98 фоизи масофадан хизмат кўрсатиш тизимига уланган.



ҚАҲРАМОН ЙИГИТ ДИЛЯВЕР

Жамоанинг қаҳрамони билан таништириб ўтсак. Унинг кимлиги билан қизиқаётган бўлсангиз, мидл офис биринчи тоифали мутахассиси Диявер Бекировдир. Бу йигит 1996 йилдан буён филиалда компьютер оператори бўлиб ишлайди. Банкнинг информацион техник фаолияти назорати унинг зиммасида. Шу кунгача биронта мижоз банккомат ёки терминалларнинг носозлигидан шикоят қилмаган. Сабаби? Диявер бундай шикоятларга ўрин қолдирмайдиган ўта масъулиятли ходим.

УСТОЗНИ ЭСЛАМАСЛИК МУМКИНМИ?



Филиал ҳақида сўз кетганда раҳматли устоз Сотволди Самиевни эсламасдан, у ҳақида икки оғиз бўлса ҳам яхши гап айтмасдан ўтишининг иложи йўқ. Бу инсон 2020 йилнинг май ойида юрак хуружи билан 66 ёшида ёруғ оламни тарк этди. У филиалнинг биринчи бошқарувчиси сифатида жуда кўп хайрли ишларга қўл урган эди.

Енг шимариб, ҳашар йўли билан ошхона қурдирган ҳам, қурилиш ашёлари етмай қолганда, уйдаги қурилиш материалларини олиб келиб, камчиликларни бутлаган ҳам шу инсон бўлган. Устознинг нафақат инсоний хислатлари, балки, банк ишини пухта билиши ҳам тармоқнинг гуллаб-яшнашида муҳим омил бўлди. У “така бўлса ҳам сут берсин” мақолини кўп такрорлар эди. Яъни “катта-кичик демай, қанақа мижоз бўлса ҳам ҳамкорлик ўрнатайлик, даромад келтирсин” деган фикрни ҳамиша илгари сурган. Ана ўша пайтда филиал ўз хизмати ва эътиборини қизғонмаган кичик тадбиркорлар, ишлаб чиқариш корхоналари банк билан бирга униб-ўсиб йирик тадбиркорлик субъектларига айланди. Бугун Шаҳрихон туманидаги пахтани қайта ишлаш саноатининг катта қисмини қамраб олган “Саховат текс” корхонаси ва “Водий пахта-си” МЧЖ, филътр ишлаб чиқарувчи “SDK Group And” МЧЖ ана шундай мижозлардан ҳисобланади.

ҲАЛ ҚИЛИНИШИ ЗАРУР МУАММО

Бугун мана шундай забардаст ва тўнғич тармоқнинг ҳал қилиниши муҳим бўлган бир муаммоси бор. Яъни банк биносининг ноқулай ҳудудда жойлашганлиги ва стандартлар талабига жавоб бермай қолаётганидир. Чунки бино банк учун мўлжалланмаган. Бўлимлар ҳар томонга сочилиб кетган. Катта Асака йўли бўйида жойлашгани учун автомашиналар қатнови жуда тифиз. Бу эса кўчанинг у юзидан бу юзига ўтиш учун ҳам анча вақт талаб қилади. Бино атрофида автомашиналарни қўйиш учун жой йўқ. Мана шу ҳолатлар мижозларнинг ташрифига тўсқинлик қилмоқда. Ваҳоланки, тумандаги замонавий кўринишда реконструкция қилинган Агробанк ва Микрокредитбанклар рақобатда анча илдамлаб кетди. Бундан ташқари, янги ташкил қилинган 7 та банкнинг банк хизматлари маркази ҳам мижозлар эътиборини жалб қилмасдан қолмаяпти. Айнан мана шу ҳолатларни ҳисобга олиб, катта иш ҳажмига эга бўлган филиални замонавий қулайликларга эга, стандартларга жавоб берадиган янги бинога кўчириш вақти келди.

Сўзимиз якунида

Имкониятимиз чеклангани боис мақоламизда кўп ҳолатларга тўхталиб ўтолмадик. Бу жамоада ёзишга арзирли кўплаб фактлар, алқаб ўтишга лойиқ кўплаб ходимлар бор. Умид қиламизки, уларни қаламга олмаганимиз учун биздан ранжишмайди. Бу мақоламиз биринчиси ҳам сўнггиси ҳам эмас. Омад ёр бўлсин, шаҳрихонлик “Hamkorbank”чилар!

Нигора МИРОЛИМ қизи

“ФОИЗ САЛ БАЛАНДРОҚ-ДА”

Ботир Ҳасанов, яқка тадбиркор, филиал мижози:

— Ўзим Улуғнор туманида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаман. Тўғриси, аввал Асакабанк ва Микрокредитбанкнинг мижози эдим. 2018 йилда “Hamkorbank”ка ҳисоб-рақамимизни олиб ўтдик. Тадбиркорман, молиявий масалаларимиз тез ҳал қилиниши керак. Бу ерда ана шу жиҳатни кўрдим. Узоғи уч кунда ишимизни битириб беришади. Филиалнинг ҳамма ходимлари яхши, ўз ишини билади, оператив хизмат кўрсатади. Ҳеч қайси масалада таъма қилмайди. Масалан, бошқа банкларда оддий кредит олиш учун уч ойлаб кутасиз. “Ҳужжатларингизни кўриб чиқяпмиз”, деб чўзиб юришаверади. Кредит чиққанда эса у пулнинг сизга кераги бўлмай қолади. Чунки савдода кўп нарсалар мавсумга боғлиқ. Бу банкда вақтдан ютаимиз. Шунинг учун масофа узоқ бўлса ҳам шу ерга келаман. Фақат битта томони — кредитларнинг фоизи сал баландроқ.





Фахрийлар ҳақида ҳикоя қилганда уларнинг ҳаёт йўлига назар ташлашнинг ўзи бир ибрат мактаби. Бунга эришиш учун инсон ўз касбининг фидойисига айланиши лозим. Кўплаб банк ходимларининг устози Фазлиддин Самадовга ана шундай баҳо бериш ўринли.

БУХОРО ФИЛИАЛИНИНГ ИЛК БОШҚАРУВЧИСИ

фаолият олиб борар эди, — дея эслайди Фазлиддин Самадов. — 2002 йилда шу банк “Hamkorbank”ка қўшиб юборилган ва менунинг илк бошқарувчиси бўлганман. Иқтисодиётни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш борасида банкларда хизмат сифати юқори бўлиш талаби зарур эди. Жамоамиз билан бирга тизимда мижозларга янада қулайликлар яратиш ва уларга кредит турларини тақдим қилиш мақсадида корхоналарнинг мулкчилик шакли, кредит мақсади, фаолият туридан келиб чиқиб қатор янгилик ва қулайликлар жорий этганмиз.

Жумладан, Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликда Банкни халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган молия муассасасига айлантиришга қаратилган трансформация

“Иқтисодиётни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш борасида банкларда хизмат сифати юқори бўлиш талаби зарур эди.”

ция жараёнлари йўлга қўйилди. Хизматларнинг мижозга йўналтирилган асосий мезонлари яратилди.

Фазлиддин Самадов узоқ йиллик

меҳнати давомида бухоролик тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга ҳиссасини қўшди, банкнинг иқтисодий салоҳиятини оширди, намунали банк раҳбари сифатида хурмат қозонди.

У раҳбарлик қилган даврда банк ва мижоз ўртасидаги муносабатларни шакллантириш мақсадида “Call” марказ фаолияти ташкил қилинди ва онлайн хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилди. Шунингдек, чакана ва интерактив хизмат кўрсатиш янги тизимларини жорий қилиш, юридик ва жисмоний шахслар, жумладан, меҳнат мигрантлари учун намунали хизмат турлари жорий этилди.

Ишлаймиз, кунлик ташвишлар билан андармон бўламиз, ҳеч биримиз ортимизга назар солмаймиз. Бироқ ёшимиз улғайган сари атрофга, одамларга, ортимизда қолган изларга эътибор қаратамиз. Фазлиддин Самадов бугун ана шундай ёшда. Масъулиятли ота, меҳрибон бобо сифатида ардоғда. Кўп йиллик тажрибаси унинг шогирдлари фаолиятида намоён. ҳамкасбларига маслақдош. Бухороликлар эса “Hamkorbank” филиали хизматларидан мамнун.

Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА.

БИЗНИНГ МИЖОЗЛАР

— Яхши ният билан тадбиркорлик фаолиятимизни бошлаганимизда бизнесимизнинг ривожини кўп жиҳатдан банкка ҳам боғлиқлигини тушуниб етганмиз. Ахир тадбиркорнинг қаноти, аввало, қатъияти, аниқ мақсади, ундан кейин у ҳамкорлик қилаётган молия муассасаси бўлади.

МУНОСАБАТЛАРДА МУАММО ЙЎҚ



2015 йилда бошқа банкдан “Hamkorbank”ка ҳисоб-рақамимизни олиб ўтиб хато қилмаган эканмиз. Ўтган беш йил давомида банкнинг ёрдами билан яхшигина оёққа туриб олдик. 500 миллион сўм миқдорида олган кредитимиз фаолиятимизнинг ривожига сабабчи бўлди. Ҳозирда Ургут тумани Қоратепа кўчасида жойлашган дўконимизда 200 турдан ортиқ маиший техника воситаларини сотамиз. Маҳсулотларимизнинг кўпчилиги Бирлашган Араб амирликлари ва Хитой давлатларидан келтирилган. Харидоргир, сифати талабга жавоб беради.

Банк билан муносабатларимизда ҳеч қандай муаммо йўқ. “Hamkorbank” йўлга қўйган замонавий хизматлар фақатгина биз мижозларнинг фойдасига ишлайди. Филиал офисига деярли бормаймиз. Банк клиентга уланиб олганмиз, масофадан туриб ишлаймиз.

Кредитларни ҳам вақтида тўлаб борапмиз. Банк билан боғлиқ қанақа ишимиз бўлса, ҳамкоримиз ҳал қилиб беради. Хизмат кўрсатаётган банк яхши бўлса, ишда унум сезиларкан. Шукрки, топиш-тутишимиз яхши. Савдодаги барака ва омад бизга янада куч, шижоат бағишляпти. Ургут филиалининг кўмагида ер олиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режа қилиб турибмиз.

**Амин АХАТОВ,
тадбиркор**

Чиндан ҳам шундай. Бугун ҳамма рўзғори тўқин-сочин бўлиши, турмуш фаровонлигининг ошиши ва моддий сармояси юксалишини ўйлайди. Агар эртасини ўйлаб бугундан ортганини заҳира қилишни истаса, албатта, даромадини кўпайтиради ва эҳтиёжидан ортган маблағларини ўстиради. Бунга аввало, тежамкорлик, сарф-харажатга эътибор билан ёндошиш ҳисобига эришилади. Зеро пул топган киши уни расамади билан, тўғри сарфлай билиши ҳам керак-да. Сармоясини ўстириш, пулларини сақлаш учун банклар ишончли ва манфаатлидир.

Шу ўринда “Hamkorbank” ҳақида илиқ ва самимий сўзларни айтиш мумкин. Ташкил топганининг 30 йиллигини нишонлаётган ушбу молия муассасаси бугун кўплаб ташкилот ва корхоналарнинг, тадбиркор ва ишбилармон кишилар ҳамда оддий аҳолининг яқин кўмакчиси, узвий ҳамкорига айланган. Айна дамда аксарият пул ўтказмалари билан боғлиқ юмушлар банк орқали амалга оширилади. Жумладан, олисдаги яқин кишисига пул ўтказмаси юбориш деймизми, мобил алоқа воситасини маблағ билан тўлдириш, электр энергияси ва табиий газ учун тўловларни амалга ошириш деймизми, қўйинги, турли мақсадлардаги пул-маблағ ўтказмаларини ҳеч бир муаммосиз бажаришда мазкур банк муассасаси хизматидан беминнат фойдаланилмоқда.

“Hamkorbank” мен учун чорак асрга яқин қадрдон. Илк дамларда бу муассаса раҳбариятининг одамийлик мурувватидан баҳраманд бўлганман. Фарзандим бетоблигида олижаноблик билан ҳомийлик ёрдами кўрсатилган. Ўша сабаб банк менинг ҳурматимдаги ва ишончимдаги молия муассасаси бўлиб қолган. Боиси, юртимиздаги молия муассасаларида олиб

борилаётган ислохотлар ва янгиланишларга анча йиллар илгари, бошқа банклардан олдин қадам қўйган. Бу жойда-

САРМОЯМИЗ ҲИМОЯЧИСИ

ги хизмат кўрсатиш салоҳияти юксаклиги ва маданиятлиги билан бошқалардан кескин фарқ қилади. “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун” деган тамойил янги ташкил топган кунлардаёқ ҳаётга татбиқ этилганидан далолатдир.

Кейинги йилларда банкнинг омонатчиси сифатида ҳам фаол мижозига айландим. Оиламнинг кундалик эҳтиёжидан орттирган сармояларимни “Hamkorbank”нинг мақсадли омонатига қўйганман. Бу мен учун ҳам ишончли ва маблағларим кўпайишининг қулай усулидир. Бу борада хато қилмаганимни узоқ муддатли Ипотека кредити ҳисобига уй сотиб олгач, тўла англаб етдим. Омонатдаги маблағимни уй сотиб олишга йўналтиришимда муаммо туғдирмади. Оилам билан замонавий қурилган уйлардан бирига эга бўлдим. Бу иш “Hamkorbank” томонидан маблағларимнинг ҳимоя

қилиб берилгани ва боз устига, маълум фойзалар билан ошириб тўлангани ҳисобига осон кўчди.

Банкнинг “Нодирабегим” филиали ходимларининг менга ва мен каби юзлаб мижозларга тезкор, малакали ҳамда сифатли хизмат кўрсатишларидан баҳраманд эканлигимдан хурсандман. Айниқса, ўз ишининг устаси, омонатчилар билан ишлаш бўлими оператори Бобуржон Исроилов хушмуомала ходимлардан. Тез, сифатли ва малакали хизмат кўрсатади. Мижоз унинг хузурида нари борса, 10 дақиқа кутади, холос. Зумда ишини битказди-ю, яна қайноқ ҳаётдаги ўз юмушларини бажаришга киришаверади. Муҳими, мижоз сармоясини ишончли кишилар қўлига топширганидан, хоҳлаган вақтида қўшилган “қиймати” билан олишидан мамнун қайтади банкдан.

Сармояларимизнинг ишончли ҳимоячиси бўлган “Hamkorbank”нинг 30 йиллик қутлуғ санаси янги ютуқларга эш бўлсин.

**Махфуза НОРБОЕВА,
Ўзбекистон
Журналистлар ижодий
уюшмаси аъзоси, фахрий
журналист.**

Жамият тараққиётининг таназулга учраши ва фуқароларнинг ислохотларга бўлган ишончи йўқолишининг сабабларидан бири порахўрликдир. Ўзгалар молини ноҳақ йўл билан ейиш бу иллатнинг бир кўриниши. Ота-боболаримиз бундай луқмадан қаттиқ ҳазар қилган, гуноҳ ҳисоблаган. Ҳолбуки, динимизда бировнинг молини ўзлаштириш ҳаром дея таърифланган.

ҲИДОЯТ

Ҳаётда турли эҳтиёж ва заруратлар мавжуд. Шундай ҳолатларда инсон ҳамкорга, қўллаб-қувватловчи ва таскин берувчига муҳтожлик сезади. Мана шу эҳтиёжмандлик ортидан

га нафи тегиши мақсадида ниманидир (савобдан бошқа ҳеч қандай манфаатни кўзламай) беришидир. Порахўр эса ўз қилмиши билан динига, иймонига, виждонига, ишониб топширилган вазифа-



ПОРАНИ “ҲАДЯ” БИЛАН АДАШТИРМАНГ

ўрнатилган муносабатлар ҳалоллик ва тўғрилиқ асосига қурилиши лозим. Акс ҳолда оқибати хайрли бўлмайди.

Пора — ўзгалар молини ноҳақ ейишнинг бир кўриниши. Унинг арабча маъноси “ришва” бўлиб, ислом уламолари: “Пора — киши ўзи ҳақли бўлмаган нарсага эришиши ёки зиммасида лозим бўлган нарсадан қутулиши учун тақдим этган мол ёки манфаатдир”, деб тариф берадилар. У пул шаклидагина эмас, бирор ишни бажариш ёки бажармаслик орқали ҳам манфаатни ҳосил қилиш эканини англатади.

Пора берувчи қинғир йўллар билан ўз мақсадига эришишга уриниши туфайли ўзгалар ишончини суистеъмол қилинишига, натижада бундан норози кайфиятдаги қатламнинг вужудга келишига сабабчи бўлади. Порани “ҳадя”, “совға” сифатида берилди”, дея ўзини оқлашга одатланганлар адашдилар. Берувчи “кўнгилдан чиқди”, “атадик” каби “чиройли” сўзлар билан қабих режаларини амалга оширади. Ислонда “ҳадя”нинг аниқ таърифи шуки, бирор инсон-

сига, халқига, энг асосийси “яхшилиқ қиялпман” дея оиласи, фарзандларига хиёнат қилаётганини англаб етмайди.

Ачинарлиси, аҳолининг кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган қатламга давлат томонидан бериладиган маблағларни ажратишда ҳам айрим мутасадди шахсларнинг қўштирноқ ичидаги ҳадяларга кўз тикиб қолаётганидир. Имом Муслим Адий ибн Умар разияллоху анхудан ривоят қилинган бир ҳадисда, Расулulloҳ саллаллоху алайҳи васаллам: “Кимни бирор ишга бошлиқ қилсак ва у игнадек нарсани яширса, Қиёмат куни омонатга хиёнат қилгани учун жавобгарликка тортилади”, дедилар. Шунда ал-Ансор қабиласига мансуб қора танли бир киши Расулulloҳ саллаллоху алайҳи васалламнинг ёнларига келиб: “Эй Аллоҳнинг Расули! Менга топширган ишингизни (закот ва садақа йиғиш вазифасини) қайтариб олинг”, деб айтди. Расулulloҳ саллаллоху алайҳи васаллам: “Сенга нима бўлди?” — деб сўра-

ганларида ҳалиги одам: “Сиз шундай-шундай деганингизни эшитдим”, дея юқоридаги сўзини келтиради. Шунда Расулulloҳ саллаллоху алайҳи васаллам: “Ҳозир яна қайтариб айтаман, кимни бирор ишга бошлиқ қилсак, озиниям, кўпиниям яширмай олиб келсин. Нимани берсак, уни олсин. Нимадан қайтарсак, уни олишдан ўзини тийсин”, дедилар. Динимиз кўрсатмаларида, порахўрлар ва уларнинг разил мақсадли ҳамтовоқлари, қилмишидан қайтиб, чин дилдан тавба қилмаса, дунё ва охирада ниҳоятда оғир жазолар кутиб тургани ҳақида оят ва ҳадислар орқали жиддий огоҳлантирилган.

Хулоса ўзимиздан. Динимизда пора берувчининг ҳам олувчининг ҳам азобга дучор бўлишдаги даражаси барабар. Бу каби ижтимоий-салбий иллатдан халос бўлиш ва уларга қарши курашишда ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилишимиз лозим.

Акмалхон АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари
идораси мутухассиси.

Шифобаҳш неъмат

Седана ўлимдан бошқа барча хасталикларга шифо эканлиги ҳақида Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом томонидан ҳадиси шарифда ривоят қилинган. Бу маҳсулот қон тозаловчи, иммун тизимини мустаҳкамловчи, аллергияга қарши восита сифатида кенг қўлланилади.

Бронхит, астма, невропатияни даволашда ажойиб восита.

Қон босимини ва ундаги холестерин миқдорини меъёрлаштириб туради.

Қон айланишини яхшилайдди.

1992 йил Ҳинд олимлари олиб борган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, қора седана таркибига кирувчи фойдали моддалар инсон организмдаги зарарли микроорганизмлар билан курашади. Юрак қон-томир тизимига унинг фойдаси жуда катта, таркибига кирувчи витамин комплекслари Омега-6, Омега-9, флавоноидлар, фитостероллар, витаминлар А, С ва Е, эфир ёғлари юрак қон-томир



ҚОРА СЕДАНА

тизимини, капиллярлар фаолиятини яхшилайдди, уларда тромблар пайдо бўлишининг олдини олади, қон босимини меъёрлаштиради, қондаги холестерин миқдорини камайтиради.

Қора седана ёғи ҳазм қилиш тизимига ижобий таъсир қилади, иштаҳа очувчи, ичаклардаги микрофлорани яхшиловчи хусусиятларга эга. Унинг таркибига кирувчи фосфолипидлар жигарни тозалайди.

Қора седана ёғини кунлик овқат рационига киритиш қуйидаги беморлар учун жуда ҳам фойдалидир:

- қанд касаллиги бор кишилар;
 - семизликка мойиллиги бор кишилар;
 - эмизикли оналар;
 - нафас йўли касалликлари бор беморлар;
 - аёллар ва эркаклардаги репродуктив касалликлар;
 - пешоб йўли касалликларида;
 - хотира ва асаб тизимини яхшилашда;
 - сурункали чарчоқ ва оғир ақлий меҳнатда;
 - иммун тизимини яхшилашда ва онкологик касалликларнинг олдини олишда.
- Унутманг! Қора седана ва унинг ёғини мутахассиснинг маслаҳатисиз истеъмол қилиш ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Ҳар қандай седана ҳам ҳақиқий эмас, заҳарли навлари ҳам ўсади.

Савол: ногиронлик нафақаси кимларга тайинланади?
Дониёр РАСУЛОВ, Қўрғонтепа тумани.

НОГИРОНЛИК УЧУН НАФАҚА

Савол: ногиронлик нафақаси кимларга тайинланади?



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан, пенсия ёшига етмаган ногирон шахслар ногиронлик нафақаси олиш ҳуқуқига эга.

Қонунчиликда 16 ёшга ва ундан катта ногиронларга ҳамда 18 ёшга тўлмаган ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга ойлик нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби белгиланган. Ногиронлик нафақасига болалиқдан I ва II гуруҳ ногиронлари деб эътироф этилган 16 ёшдан катта шахслар, касалликнинг босқичидан қатъи назар, ўн саккиз ёшга тўлмаган ОИВ инфекциясига чалинган шахслар, шунингдек, нафақа олиш ҳуқуқини берадиган тиббий хулоса мавжуд бўлган тақдирда 16 ёшгача ногирон болалар эга бўлади.

Нафақа қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда тайинланади. Ўн

саккизга тўлмаган ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга нафақалар болалиқдан ногиронлар учун белгиланган миқдорда тайинланади.

Нафақани тайинлаш ва тўлаш тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари (ТМЭК) хулосаси асосида Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан амалга оширилади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, 16 ёшгача бўлган болаларга ногиронлик белгилаш ҳар бир туман ва шаҳарлар тиббиёт бирлашмалари 16 ёшгача тиббий маслаҳат комиссиялари томонидан белгиланади.

Саволга Андижон шаҳри ТМЭК раиси Аҳмадилло МАМАЖОНОВ жавоб берди.

Кичкина қишлоқларнинг бирида дурадгор уста яшар эди. У ёғочларга чиройли нақшлар бериб қиммат нархга сотарди.

Кунларнинг бирида унинг олдига бир чол келиб:

— Сен бу меҳнатинг орқали яхши пул топасан, лекин фақир муҳтожларга ҳеч ҳам хайр эҳсон қилмайсан. Ана у қассобни қара, у оз топса ҳам, деярли ҳар куни фақирларга гўшт тарқатади, — дебди.

Дурадгор чолга қараб жилмайибди, лекин индамабди. Шунда жавоб олмаган чол дурадгор ёнидан ғазабланиб чиқиб кетибди.

Бу воқеадан кейин қишлоқда:

“Уста бой, лекин хасис экан”, деган гап тарқалибди ва қишлоқдагилар дурадгорни ёмон кўриб қолишибди.

Кунларнинг бирида дурадгор хасталаниб қолибди. Ҳеч ким ундан хабар ҳам олмабди. Дурадгор ёлғизланиб, оламдан кўз юмибди.

ИБРАТ

Кунлар ўтиб одамлар қассоб гўшт тарқатмай қўйганини пайқашибди. Шунда қассобдан нега олдингидек гўшт тарқатмаётганини сўрашса, у:

— Дурадгор уста ҳаётлик чоғида ҳар сафар пул олиб келиб, мен-



УСТА...

дан фақирларга гўшт тарқатишимни сўрарди. Ҳозир эса дурадгор йўқ. Энди ҳеч ким пул олиб келмаябди, — деб жавоб берибди.

Қиссадан ҳисса шуки:

Ҳеч қачон инсонда кўрган нарсангизга қараб баҳо берманг, унинг қалбини фақат Аллоҳ билгувчидир!

Ишдан эртароқ қайтарканман, йўналишдаги так-си — “Дамас”га, ҳайдовчининг ёнидаги ўриндиққа жойлашдим. Машина бир маромда елиб борар-ди. Йўловчилардан бири одамлар орасида меҳр-оқибат кўтарилиб бораётганидан нолиб қолди. Унинг назарида фирибгарлик авж олиб, тўғрилиқ, ҳалоллик анқонинг уруғига айланиб қолган эмиш.

— Беш қўл баробар эмас, оғайни, — деди ҳайдовчи норози оҳангда.

Орага бироз жимлик чўк-ди.

— Ўша пайтларда ижара-га олинган “Нексия”да кира қилардим, — дея ҳикоясини бошлади ҳайдовчи йигит менга бир қараб қўйиб. — Ғира-шира оқшомда кетаётганимда йўл ёқасида биров қўл кўтарди. Маши-нани аста тўхтатдим. Ёним-га башанг кийинган ўктам йигит ўтирди ва боради-ган манзилини айтди. Бироз юргач йигит машинанинг икки олд ўриндиғи ўртаси-га ўрнатилган қутичага чап қўлини қўйиб,

— Манавини солиб қўйсам майлими? — деб сўради қўлидаги нарсанга ишора қилиб.

— Бемалол.

Йўловчи қўлидаги буклаб таҳланган полиэ-тилен халтани ва қўл теле-фонини қутичага солиб, қопқоқни қайта ёпди-да, машинани бозорча олди-да тўхтатишимни илтимос қилди. Тўхтагач, машинадан шахд билан тушиб, бозор-чага кириб кетди. Тез ора-да қўлида нарсалар кўтариб чиқди. Қариндошларидан бири даволанаётганлиги-ни, уни кўриб қўйиш учун зўрға вақт топганини айтиб, марказий шифохона ёнида тушиб қолди.

Яна бир оз шаҳар бўйлаб йўловчи “овлагач”, чарчаб, уйга қайтдим. Одатимга кўра, қутичани очдим-у, ҳалиги йўловчи йигит нарсаларини унутиб қолдирганини кўр-дим. Яп-янги қўл телефо-ни, буклаб таҳланган пакет-да эса... беш минг доллар пул бор эди. Ҳайратдан қотиб қолдим. Рост — бунча пул-ни ушлаб кўрмаган эдим ўша вақтларда. Бу ҳолни дадамга айтдим. У ҳам ҳайрон бўлди.

— Қанақа одам эди? — деб сўради кейин.

Ўйланиб қолдим. Тузук-роқ разм ҳам солмаган экан-ман. Ахир кун бўйи қанча одам чиқиб тушади маши-

намга.

Бир неча кун машинада пулни олиб шаҳар кездим, юзлаб йўловчиларга ҳизмат қилдим. Бироқ ўша йигитдан дарак бўлмади. Кейин маши-

нада йўқотиб қўймай деб “омонат”ни уйдаги темир қутига солиб қўйиб, эгасини кутиб юрдим. Қизиғи, теле-фони ҳам янги, ҳатто сим карта ҳам солинмаган эди. Бир неча кун ўтгач, телефон-га сим карта солиб ишла-та бошладим. Ойлар ўтди, йил ўтди, бироқ машинамда қолдириб кетилган пулнинг эгаси бир кун чиқади деган фикр миямда айланаверди. Ҳатто бир-икки марта у пулнинг бир қисмини ишлатиб кейин яна ўрнига тиклаб қўйдим. Ахир бировнинг ҳақи.

Бу орада хориж-га ишлагани кетади-ган бўлиб қолдим. Анча илгари ҳужжат топшириб, суҳбатлар, синовлардан ўтиб келгандим. Навбатим келиб, чақирув хабарини юбори-шибди. Бироқ йўл чиптаси-га пулим йўқ. Яна ўша пул-дан “қарз”га олиб турдим ва хотинимга тайинладим: — У ёқда ишга жойла-шиб, пул юбора бошлашим билан, биринчи навбатда шу пулни ўрнига қўясан. Биров-ники буюрмайди.

Икки йилча чет элда ишлаб юриб ҳам ўша йигит, унинг “омонат”и ҳақида гоҳ-гоҳ ўйга толардим. Ниҳоят, уйга қайтдим, топган тугтан-ларимни жамлаб “Дамас” сотиб олиш ҳаракатига туш-дим. Тўғриси, пулим яна жиндай етмай қолди. Ҳалиги пулдан минг долларини қўшиб туришга тўғри келди.

Машинани олдим. Бутун оиламиз билан хурсанд бўл-дик. Бироқ кўнглимни бир четида ҳалиги олиб тур-ган пулни ўрнига тезроқ

қўя олармикинман, деган ўй тинчлик бермайди. Яго-на йўл янги машинани йўна-лишдаги такси қилиб ишла-тиш эди.

Бир куни ёнимдаги ўриндиқда ўтирган, сочла-рига оқ оралаган, одми-гина кийинган йўловчи секингина менга, олд ойна-га маҳкамланган мосламага олиб қўйилган телефоним-га разм солиб қараётганини сездим.

— Менинг ҳам худди сиз-никига ўхшаган телефоним

ди шекилли, деб ўйлашлари ҳам мумкин. Шуларни ўйлаб дардимни ичимга ютдим.

— Таксига қаерда чиқиб, қаергача борган эдингиз?

У манзилларни айт-гач, тўрт йилдан буён елкамда юк бўлиб келаётган “омонат”нинг эгаси топил-гандай бўлди.

— Йўлда бозорчага кириб бемор қариндошингизни кўргани ул-бул харид қилиб ҳам чиққан эмасмидингиз?

Йигит ярқ этиб менга қаради. Юзимга узоқ тикил-ди, сезиб турибман ҳеч нарсани эслолмади. Секин сўради:

— Ака, нима фолбинми-

бор эди. Бир куни такси-да қолдириб кетибман... Яна б е ш

минг доллар пулимниям...

Мен шартта йўловчи-га ўгирилдим. Разм солиб қарадим, бироқ аввал учрат-ганманми, йўқми, ҳеч нарс-ни эслолмадим.

— Эҳтимол, шу телефон сизникидир?

— Йўғ-э, ака, нотўғри тушунманг. Ўзингизга буюр-син. Менга шунчаки, жуда ўхшаш туюлди-да. Ўзиям янги... умуман ишлатилма-ган эди.

— Ўша таксини ёки унинг ҳайдовчисини эслаб қолмаганмидингиз?

— Йўқ, қанча ҳаракат қилмай на машина рақами, на ҳайдовчининг кўри-нишини эслай олмадим. Эсимда қолгани — оқ ран-гли “Нексия” эди. Бир неча кун шаҳарни кездим, оқ рангдаги “Нексия”лар кўча-ни тўлдириб ўтиб турибди. Бироқ уларнинг қай бири-га машинангизда беш минг долларим қолиб кетибди, деб айтиб бўлади. Устингдан кулиши, ҳатто ақлдан озиб-

сиз?..

— Йўқ, таксичиман. Манави телефон чиндан ҳам сизники. Беш минг долла-рингизни ҳам омонат деб сақлаб келяпман. Фақат... мана шу машинани олишда минг долларингизни ишла-тиб қўювдим. Тўрт минг-ги уйимда турибди. Ҳозир бориб олиб бераман.

Йигитнинг кўзларига ёш келди. Биргалашиб уйимиз-га бордик. Бор пулни йигит-нинг қўлига топширдим, қолган мингини бир ҳафтада тиклаб беришимни айтдим.

— Йўқ, ака, сизга минг марта раҳмат. Бошқа одам бўлса бу нарсани умуман қайтармаслиги ҳам мум-кин эди-ку. Ўша минг доллар сизга суюнчи бўла қолсин. Минг марта розиман.

Пулни қўлга олгач, йигит ҳам тилга кирди:

— Эҳ, ўша кунларда-ги аҳволимни тасаввур қилсангиз эди. Дунё кўзимга қоронғи бўлиб кетди. Ахир автомашинамни сотиб, синг-

лимни дарддан қутилириш учун олиб бораётган пулим эди-да. Аввалига шифо-корлар етарли эътибор беришмаётгандай, муола-жаларни бошлашга шошил-маётгандай, бунинг орти-да қандайдир таъма, илинж ётгандай туюлаверар-ди ўша кунларда. Бироқ... уни хорижда даволатиш мумкин деган шифокор-лар, кейинчалик дарднинг бедаво эканлигини айтиб, менга сабр тиладилар. Асли-да пулим бўлганда ҳам унга ёрдам беришнинг иложи йўқ эди. Бироқ ҳамон устма-уст ташвишлар билан бошим айланиб нақд пулни йўқотиб ўтирмаганимда синглим тузалиб кетармиди, деган ўй миямдан чиқиб кетмай-ди. Алам қиладигани, маж-бурликдан отамдан қолган мерос машинани сотиб, бунинг устига эс-хушимни ҳам йўқотиб қўйган эканман ўша кунлари.

Дардим ичимда, биров-га ёрилолмайман. Бироқ ана шундай паллада ўзига тўқ жигарларимдан айримлари отамиздан қолган машина-нинг пулидан улуш тегарми-кин деб умидвор бўлаётга-ни ҳақида узуқ-юлуқ гаплар қулоғимга чалинди. Очиғини айтишга мажбур бўлга-нимда эса айримлар мени сал анақароққа чиқариб қўйишди. Кўнглимга оғир ботадигани, улар бегона-лар эмас, ўзимникилар — жигарларим эди.

Мен йигитни шаҳар мар-казигача олиб чиқиб қўйгач, яна машинанинг олд ойна-си паст қисмига қатнайди-ган йўналишим кўрсаткичини қўйдим.

Ҳайдовчи йигитнинг ҳикоясини тинглаб дилим равшанлашди. Беихтиёр Ўзбекистонимиз ҳақида, юртдошларимиз тўғрисида ўйлаб қолдим. Яратганнинг ўзи сизу биздан муруввати-ни, қут-баракотини аямаёт-ганлигининг, юртимиз обод, ҳаётимиз фаровон бўлиб бораётганлигининг асо-сий омилларидан бири ҳам орамизда оддий, содда, фидойи, бировнинг ҳақидан сақланадиган пок инсон-лар оз эмаслигида бўлса не ажаб, деган фикрлар хаё-лимдан ўтди.

Шундай эмасми, азиз замондош?

Ҳабиб СИДДИҚ

Кўзлари ожиз инсон ерда ўтирганча тиланчилик қиларди. У тахтачага “мен кўрман, ёрдам қилинг” деб ёзиб қўйган, ўтган-кетганлар унга баъзан чақа ташлаб ўтишарди.

Бир йўловчи унинг ёнидан ўта туриб, кўрнинг шляпасига кўзи тушди. У ерда атиги бир-иккита танга турарди. Йўловчи чўнтагидан бир жуфт тан-га чиқариб, шляпага ташлади. Шундан сўнг тахта-чани олди-да, ёзувни ўчириб, бўр билан бошқа жумлаларни битди. Тахтани жойига қўйиб, йўлида давом этди.

Эрталаб яна ўша йўлдан ўтаркан, қарасаки, шля-па тангаю қоғоз пулларга тўлган. Кўзи ожиз тиланчи уни қадам товушларидан таниди ва сўради:

СЎЗ СЕҲРИ

— Адашмасам, кеча сиз тахтачамни олиб бир нималарни ёздингиз. Шундан сўнг кўпчилик менинг қаршимда тўхтаб ўтди. Айтинг, жаноб бу сеҳрли сўзлар нима эди?

Йўловчи жилмайди:

— Бу сеҳрли эмас, оддий сўзлар. Маъноси ўша-ўша, аммо бошқа жумла билан ифода этил-ган,- деди-да кетди.

Кўзи ожиз одам бу сўзларни нималигини билолмай қолди. Шунда ёнидан ўтиб кетаётган болакайдан сўради:

— Ҳой, одам, мана бу тахтада нима дейилган?

Болакай уни ҳижжалаб ўқиди: “Ҳозир айни баҳор. Аммо менинг кўзларим бу гўзалликни кўра олмайди...”

НОДИРАБЕГИМ таржимаси.


“Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан”, деган машҳур шеъринг сатрларни ҳаммамиз яхши биламиз. Яъниким бу митти сариқ гул кўкларнинг элчисидир. Қолаверса, бодом дарахтининг гуллаши, ариқ бўйларида майсаларнинг ниш уриши баҳор бошланганидан хабар беради. Тез кунларда она юртимизда кўклар ўз сепини ёяр экан, биз бу фасл билан боғлиқ яна қандай маълумотларга эгамиз.

* Британия олимларининг маълум қилишича, болалар мартдан то август ойига қадар бошқа ойларга қараганда уч барабар тезроқ ўсар экан.

* 20 март астрономик баҳорнинг келиши ҳисобланади. 21 март куни қутблардан ташқари, бутун дунё бўйлаб кун ва тун тенг бўлади. Бундан ташқари, шу куни қуёш шарқда кескин кўтарилиб, ғарбга кескин ботади.

* Дунёдаги юз берадиган кўпгаб торнадо ҳодисалари баҳор ойларига тўғри келади. Олимлар буни сайёрамизнинг биологик соатини қишдан ёзга ўтиш вақтдаги қайта қурилиши билан боғлашади.

* Баҳорда ўсимликлар биологик соатга мувофиқ уйғонади. Масалан, март ойида кесилган новда муқим турган сувга солиб қўйилса, униб чиқади. Аммо бу ҳолат ноябрда юз берса, новда кўкармайди. Сабаби шундаки, дарахларда уйғониш вақтини таниб олишга ёрдам берадиган махсус механизм мавжуд.



* Кўкларда асаларилар камроқ тажовузкор бўлади. Чунки бу фаслда улар кўпайгани учун ўзларини тинч ва сокин тутати.

* Бошқа фасллар билан таққослаганда одамнинг нафас олиши баҳорда уч барабар тезлашади. Олимлар буни тананинг қиш ойларида кислород очлиги шароитида бўлганлиги ва тикланишга интилаётгани билан изоҳлайди.

* Баъзи мамлакатларда баҳор сентябрь ойига тўғри келади. Масалан, Австралия, Аргентина ва Мадагаскарда мана шундай ҳолат кузатилади.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

лади.

* Женевада баҳор кантональ ҳукумати биноси деразаси остидаги “расмий каштан” дарахти гуллашига қараб белгиланади. Одатда каштан гуллари баҳорда очилади. Аммо 2002 йилда бу дарахт 29 декабрда ўзининг биринчи баргини кўрсатди, 2006 йилда эса йил давомида икки марта — март ва октябрда гуллаган.

* Фасллар келинчаги келганда нафақат инсонлар, балки, бутун ҳайвонот дунёси ўз териси рангини ўзгарилади.

* Қушлар аслида дунёга келиши биланоқ чирқиллай олади. Аммо шунчаки чирқиллашнинг ўзи етарли бўлмайди, улар ўз турларига хос тарзда сайраш усулини ўрганиши керак ва бу табиат уйғониши даврига тўғри келади.

* Ўсимлик илдизлари баҳорги илиқликни биринчи бўлиб ҳис қилади. Улар 7-8 цельсий ҳароратидаёқ фаол ўсишни бошлайди.


НИГОРА тайёрлади.

БУ — ҲАҚИҚАТ



- ✓ Мўъжиза...
- ✓ Ўзини четга олган сари диққат марказида бўлади...
- ✓ Беркингани сари қадри юксалади...
- ✓ Омонатдорлиги ортгани қадар унга ишонч ортиб боради...
- ✓ Солиҳа аёл подшоҳ бошидаги тож кабидир... Тож тиллодан бўлсада, оғирлиги билинмайди... Унга эга бўлган дунёга эгалик қилади...
- ✓ Дунёнинг тақдири унинг зиммасига юклатилган...
- ✓ У тўғри тургани сайин дунё тўғри туради, у бузилса дунё бузилади...
- ✓ Аёл зардир, унинг асл қадрини фақат заргар тушунади...
- ✓ Аёл соя кабидир. Ўзини таъқиб этгандан қочади, ундан кетганининг орқасидан чопади.

БОШҚОТИРМА



Ўрта айланадаги ҳарфларни 1-рақамдан бошлаб 24-рақамгача тўғри қўйиб чиқсангиз, байрам табригини ўқийсиз.

Тузувчи:
Расулжон МУХТОРОВ.

ГАЗЕТАНИНГ 2-СОНИДАГИ БОШҚОТИРМА ЖАВОБИ

Т	Н	А	Ж	О	Т	Э	Ш	И	М	Н	С	У	Б	У	Т
С	А	Р	И	И	Р	А	Л	Л	И	И	Ж	А	Р	А	Е
Н	Д	А	Й	Д	И	А	Ш	О	Н	Ш	Н	О	Д	И	Р
С	А	Т	О	Д	К	Е	К	С	А	О	П	А	Ч	А	А
А	А	Х	А	Т	О	Ч	О	Д	И	Р	Т	М	А	Н	Т
Ф	А	Н	Т	А	А	К	А	П	А	А	Т	И	Р	Т	А
А	О	С	У	М	М	А	О	М	И	А	Р	А	А	М	О
Р	А	Б	О	Т	Ф	Т	У	Л	Н	О	К	К	А	Н	А
В	С	А	В	А	Т	С	Т	И	Л	А	К	С	Т	И	Л
А	Т	О	М	А	А	С	Т	А	Р	Ч	Р	И	К	Ш	А
О	О	Л	Т	И	Н	У	А	С	И	Р	А	А	Л	О	М
У	Р	А	Н	А	К	А	Н	О	П	Н	Б	И	Р	Ж	А



HAMKOR PRESS

МУАССИС:

"HAMKOR PRESS" MCHJ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Фарғона вилояти бошқармасида 2018 йил 08 июнда 12-041 рақам билан қайта рўйхатга олинган
Индекс: 460
e-mail: hamkor.press@mail.ru

Газета "Hamkor Press" таҳририяти компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Нашр учун масъул: Н.ИУЛДОШЕВА
Саҳифаловчи: А. КАБИРОВ
Манзилимиз: Андижон шаҳри, 105100, Бобур шоҳқўчаси 53-уй.
Тел: 378 298-01-07

"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00
Топширилди - 20.00
Қоғоз бичими - А3
Буюртма: Г-149 Адади: 6075
1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма тобоқ.

ISSN 2181-9734



Сотувда келишилган нархда.